



ЖАМИЯТ

№ 35 (810)
2022 йил
15 сентябрь,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

ФИДОЙИЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



5

Шахсни шакллантириш, бошқариш, назорат характериға эга бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки олдиндан моделлаштирилган ва пухта ўйланган режалар асосида белгиланиб ҳал этиб борилади.



Ўзбекистон – ШХТ:
ТАШАББУСЛАР
МАЙДОНИ 3

Шерғозихон
жасорати 6

“ДУАЛ” – 7



НАЗАРИЯ
ВА АМАЛИЁТ
УЙҒУНЛИГИ 8

АСОСИЙ МАҚСАД – ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

Давлат солиққўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси “K-SAVDO” ААТни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлашни молиялаштириш манбаи этиб белгиланган.



4



Қаҳҳор
ЁҚҚАН
ҚАНДИЛЛАР

ЎЗАРО ДЎСТЛИК УЧУН ЯНГИ ТАЖРИБА

Бугун – халқаро муносабатларнинг мутлақо янги – тенглик, ўзаро ҳурматга асосланган формати амалда. Ўзлимизга ҳурматимиз ошгани сари жаҳоннинг эътибори ҳам ошиб бормоқда.

Бугун мамлакатимизга ташриф буюраётган таниқли сиёсатдонлар, давлат ва жамоат арбоблари, олим ва мутахассислар, маданият ва санъат намояндлари, оддий сайёҳлар ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўриб, эшитиб, ҳис этиб, “Ўзбекистон ибрати”, “Ўзбекистон намунаси”, “Ўзбекистон тажрибаси”, деган хулосалар чиқармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 сентябрда эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида мазкур йиғилишнинг шиори “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади” дея айтилган.

Сўнгги йилларда пандемия сабаб давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи сезиларли даражада зарар кўрди. Шундай бўлишига қарамай, айрим давлатларда қонли тўқнашувлар, низолар афсуски, тўхтаётгани йўқ. Унинг натижасида низоли давлатларнинг халқига озик-овқат етишмаслиги юзага келмоқда. Халқлар эса тинчлик ҳукм суришини истади. Эртанги кунда тирик яшашга ишончи йўқолган фуқаролари эса тинч юртларга кетмоқда.

Мақолада ташкил этилаётган Саммитда ҳам Афғонистон масаласини ШХТга аъзо давлатлар



билан ҳамкорликда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши зарурлиги очик баён этилди.

Мазкур мақола 30дан ортиқ давлатларнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Етук сиёсатчи, мутахассислар томонидан эътирофлар ва қўллаб-қувватлашлар бўлмоқда. Масалан, Озарбайжоннинг “Trend” ахборот агентлигининг сайтида давлатимиз раҳбарининг ШХТ саммити муваффақияти тарихида яна бир саҳифасини очишига ишонч билдириб, афсонавий шаҳар Самарқанд кўп асрлар давомида Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни Буюк Ипак йўли орқали боғлаб келганини алоҳида

эътироф этди.

Шунингдек, бугун дунё экспертларининг нигоҳи ҳам Ўзбекистонга қаратилган. Ўтказилажак саммит йиғилишининг ташкил этилишидан бошлаб, ҳар кунлик берилаётган янгиликларимизни давлатлар ўзларининг матбуотларида ёритиб бормоқда.

Ташкилот доирасида ишлаб чиқилган ҳужжатлар тўплами (30 дан зиёд) қабул қилинишидан ташқари, икки томонлама шартномалар имзоланиши кутилмоқда. Саммитда ШХТ ва бошқа бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар – Араб давлатлари лигаси, ЮНЕСКО, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича меморандумлар имзоланиши ҳам кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд саммити ШХТнинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга Евроосиё маконида ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим тарихий босқичга айланади. Қабул қилинажак қарорлар ҳар бир давлат учун ниҳоятда манфаатли бўлади.

Мунира КАҲАРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
Институтининг директори ўринбосари,
Фалсафа фанлари доктори (PhD)

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги кўпгина халқаро ташкилотларнинг бевосита, тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида фаолият олиб боради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – 2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида Қирғизистон, Хитой, Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари иштирокидаги учрашувда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва минтақада хавфсизликни таъминлаш мақсадида тузилган ташкилотдир.

ШХТда Ўзбекистон Республикаси ўз фаолияти, нуфузи ва муҳим мавқеига эга эканлиги билан ажралиб туради. 22 йил олдин мамлакатимиз минтақа мамлакатлари қатори ШХТга аъзо бўлиб кирганлиги, ташкилот фаолиятини белгилаб берган асосий тамойиллар ва қоидаларни ҳамда ШХТ Хартияси ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ШХТга аъзо мамлакатларнинг умумий майдони 34 миллион километр квадратдан зиёд масофани ташкил этади. Ташкилотга аъзо мамлакатлар аҳолисининг умумий сони 3 миллиарддан ортиқ.

ШХТ доирасида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган фаолият конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби асосий тамойилларга асосланган, дейиш мумкин.

Жумладан, 2017-2021 йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларида илгари сурилган 50 га яқин муҳим ва долзарб ташаббуслар янги дастурий ва концептуал, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, “йўл хариталари” шаклида ҳамда янги ҳамкорлик механизмлари кўринишида ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Албатта, Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислиги катта масъулиятли сиёсий жараён бўлиши билан бирга мамлакатимизнинг ташкилот доирасидаги муносиб фаолиятини давом эттирибгина қолмасдан, уни аниқ ва янги, мазмунли марралар билан бойитиш имкониятларини ҳам очиб беради.

ШХТнинг Самарқанд саммитида ташкилотнинг кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлари аъзолиги-



ни кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши, ШХТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ҳужжатлар имзола- ниши кўзда тутилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 12 сентябрда матбуотда чоп этилган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли мақоласида таъкидлаганидек, “Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўри-

нади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, “Самарқанд руҳи” бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдириб туради”.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд Саммити йирик сиёсий ва дипломатик форумга айланади ва ташкилотнинг кейинги эволюцияси йўлидаги муҳим кадам сифатида тарихга қиради. Бунда, табиийки, юртимизнинг фаол, очик, прагматик ва конструктив ташки сиёсати мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Илҳом СУВАНОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
Илмий котиби,
Фалсафа фанлари доктори

ЎЗБЕКИСТОН – ШХТ:

ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ

Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланиб, унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади. Бу Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи, дегани. ШХТ мамлакатларининг умумий аҳолиси 3,2 миллиард кишини ташкил этиб, бу – дунё аҳолисининг қарийб ярмидир.

Ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётининг умумий ҳажми қарийб 20 триллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу ташкилот тузилган пайтдагидан 13 баробарга кўпдир. Асосийси, бугунги кунда ШХТ аъзоларининг умумий ялпи ички маҳсулоти умумжаҳон кўрсаткичларининг қарийб ¼ қисмига етди.

Мамлакатимиз тараққиётида ШХТнинг ўрни ва салоҳияти жуда катта бўлиб, бу ташкилотга аъзо давлатлар тенг ҳуқуққа эга ҳамда ўзаро ҳамжихатлик ва дўстлик пойдевори устига қурилган бўлиб, ундан аъзо давлатларнинг ҳар бири манфаатдордир.

Ташкилот ҳозирда нафақат хавфсизлик, балки ижтимоий-иқтисодий, савдо-сотик, транспорт-коммуникация, сармоя ва гуманитар масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Булар ташкилотнинг очиклиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далолат беради.

Эътиборлиси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нуфузли халқаро ташкилотлар орасида тобора муносиб ўрин эгаллаб, минтақавий ва глобал миқёсда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил ривожланишнинг таъсирчан омили бўлиб хизмат қилмоқда. Агар ШХТни бошқа минтақавий ва трансминтақавий халқаро ташкилотлар билан солиштирадиган бўлсак, у нақадар катта куч ва салоҳиятга эга эканини кўрамиз. ШХТга аъзо давлатларнинг иккитаси, яъни Россия ва Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланади.

2021-2022 йилларда ташкилотга раислик Ўзбекистонга ўтиши кейинги 6 йилда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган жадал ва очик ташқи сиёсатимиз маҳсули, мантиқий давоми бўлди, десак айни ҳақиқат. Боси, ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истикболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди. Кейинги йилларда Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ШХТга аъзо барча давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланаётир.

Самарқанд саммитининг асосий мақсадларидан бири эса ШХТ оиласини янада кенгайтириш масаласидир. Чунки давлат раҳбарлари кенгаши доирасида ШХТга аъзолик мақомини олиш учун Эрон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши кутиляпти. Шунингдек, ШХТнинг кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлари аъзолигини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши, ШХТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли мақоласини диққат билан ўқиб, ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтиришига амин бўлдим. Ушбу кенг қамровли мақолада Ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама

кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар бергани қайд этилган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларининг жиддий узилишига олиб келган уч йиллик пандемия танаффусидан сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур. Бу борада Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлақати етакчиларини Ташкилотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва равнакига хизмат қиладиган янги ва илғор таклиф ҳамда ташаббуслари билан кутиб олишга тайёр.

Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очиши шубҳасиз. Сабаби кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.

Саммитнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, Президентимиз айтганидек, “Самарқанд руҳи” бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Умуман олганда, ўтган давр мобайнида ШХТ маслаҳат механизми форматидан кенг қамровли давлатлараро бирлашмагача бўлган даражага юксалди. Шу нуқтаи назардан, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз, деб баралла айта оламиз.

Ботирбек ТўРАЗОДА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Жамият ва қонун



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ишлаш гуруҳи томонидан Хоразм вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида Хива шаҳри ва туманида “Адлия халқ орасида” шиори остида пресс-тур ўтказилди.

Дастлаб Хива тумани адлия бўлимида “Очик эшиклар куни” бўлиб ўтди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, Хоразм вилояти адлия тизими маъсул ходимлари, журналист ва блогерлар иштирок этди. Бу ердаги мулоқотлар, савол-жавоблар ҳуқуқ-тартибот тарғиботида бағишланди.

Дастур доирасидаги тадбирлар очик осмон остидаги музей-шаҳар – “Ичан-Қалъа” давлат музей-кўриқхонасида давом этди.

Кўхна Арк олдидаги майдонда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр қабул, давлат хизматлари, “Мадад” ННТ томонидан фуқаролар учун

ҳуқуқий маслаҳат ва мулоқотлар ўтказилди.

Шунингдек, ёшлар иштирокида теннис, шахмат-шашка, мусаввирлик мусобақалари ташкил этилди.

Тадбирда Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Нодирбек Жуманиёзов, Республика Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Севара Ўринбоева, Хива тумани адлия бўлими бошлиғи Қахрамон Машарипов, Хива тумани ДХМ директори Акбар Алланазаров ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз қонунчилигида амалга оширилаётган ислохотлар,

АДЛИЯ ХАЛҚ ОРАСИДА

соҳада фуқаролар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапириб бердилар.

Ҳуқуқий билимдонлик бўйича иштирокчилар ўртасида савол-жавоб асосида ўтказилган викторина ҳамда спорт мусобақаси ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Ушбу тадбирларда Хива шаҳридаги 17-сон ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Зилола Давлетова бошчилигида спортчи ва ижодкор ўқувчилар ҳам фаол иштирок этиб, мусобақа ва танловларда юқори натижаларни қўлга киритдилар.

Шунингдек, адлия йўналишида таҳсил олаётган фаол талабалар фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирландилар.

Тумани маданият бўлими қошидаги ашула ва ракс ансамбли ижросидаги шўх куй-қўшиқлар тадбир иштирокчилари, маҳаллий ва ҳамда хорижий сайёҳларга ҳам яхши кайфият ва унутилмас таассуротлар бахш этди.

Бу хил тадбирлар фуқаролар муаммоларини жойларда хал қилиши баробарида, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда аҳамиятлидир.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўчма савдо фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш ва савдо автомати орқали чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 4 июндаги қарорига кўра, 2021 йил 1 декабрдан кўчма савдо фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан кўчма савдо объектларини электрон тарзда “K — SAVDO” автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда. Кўчма савдо жойи кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемалари бўйича “K — SAVDO” ААТ орқали электрон аукционда сотиш белгиланди.

Давлат солиқ қўмитаси бевосита ваколатли орган ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “K — SAVDO” автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилган. Мазкур тизимда кўчма савдо объектларини рўйхатдан ўтказиш учун буюртма бериш, кўчма савдо жойларининг хариталари билан танишиш, аҳоли пунктлари бўйича кўчма савдо жойларининг схемаларига мувофиқ электрон аукционларни амалга ошириш, аукцион ғолиби томонидан кўчма савдо жойи учун тўловларнинг амалга оширилиши, шунингдек, пул маблағларини қайтариш, тадбиркорлик субъектларига реал вақт режимида QR-код қўйилган электрон шаклдаги гувоҳнома юбориш, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга кўчма савдо объектлари тўғрисида маълумот юбориш, кўчма савдо жойлашиш схемасида мавжуд бўш турган ва банд қилинган кўчма савдо жойлари тўғрисида маълумот олиш, кўчма савдо объектлари реестрини юритиш ишлари амалга оширилади.

Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамғармаси “K-SAVDO” ААТни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлашни молиялаштириш манбаи этиб белгиланган.

Кўчма савдо жойи жойлашиш схемалари доирасида «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали онлайн-аукционда сотилади. Бунда тадбиркорлик субъектига электрон онлайн-аукционда сотиб олинган кўчма савдо жойидан кўпи билан 36 ой муддатга фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИ



Кўчма савдо объектларига вақтинчалик асосда жойлаштирилган ва мавсумий хусусиятга эга бўлган, шунингдек, иш куни яқунлангандан сўнг объектни кўчириш имкони бўлган кўчма савдо объектлари (лотоклар, палаткалар, савдо арвалари, пештахталар, автодўконлар, автотиркамалар, автоцистерналар, фудтраклар, тонларлар, савдо автоматлари) киради. Кўчма савдо субъектлари кўчма савдонини амалга ошириш учун “K-SAVDO” ААТда белгиланган тартибда кўчма савдо объектларини рўйхатдан ўтказган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслардир.

Кўчма савдо объектлари чакана савдо соҳасида қонунчилик ҳужжатларига, шу жумладан, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария

қоидалари ва нормаларига риоя қилиш, давлат ветеринария хизмати-нинг ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари ёки ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари томонидан берилган ижобий хулосалар асосида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухумлар, шунингдек, ўсимлик озик-овқат маҳсулотларини реализация қилиш, назорат-касса машиналари, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса



онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминалининг мавжудлиги, кўчма савдо объектлари яқинида маиший чиқинди қутиларини ўрнатиш мажбурий талаблари ва шартларига риоя қилишлари шарт.

Савдо объекти нон ва нон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, ўтириш жойлари ташкил этмасдан, доналаб сотиладиган таомлар, сабзавотлар-мевалар ва полиз экинлари, шунингдек, қуруқ мевалар, писта ва ёнғоқлар, музқаймоқ, алкоғолсиз яхна ва иссиқ ичимликлар, озик-овқат маҳсулотлари, нашриёт маҳсулотлари, гуллар, халқ бадийи ва бошқа хунармандчилик буюмлари, хунармандчилик маҳсулотлари, сувенирлар, кийим-кечак, пойабзал ва енгил саноат буюмлари, ноозик-овқат маҳсулотлари билан савдо қоидаларига риоя этган ҳолда шуғулланиши мумкин.

Техник жиҳатдан мураккаб маиший маҳсулотлар (маиший металл кесиш ва ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари, маиший электротехника ва асбоб-ускуналар, маиший радиоэлектрон ускуналар, маиший ҳисоблаш

ва кўпайтириш техникаси, фото ва кино ускуналар, телефон аппаратлари ва факс машиналари, электр мусиқа асбоблари, электрон ўйин-чоклар, маиший газ ускуналари ва қурилмалари), тез бузиладиган товарлар (совиткич ва (ёки) музлаткич билан жиҳозланган ва тез бузиладиган товарлар совиткич ва (ёки) музлаткичларда сақланган ҳоллар бундан мустасно), енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, болалар озик-овқат маҳсулотлари (қуруқ сут, қуқунсимон бўтқа ёрмаси, озуқавий аралашмалар, мева ва саб-

завот консервалари ва пореси), ҳайвонлар, термик ишлов берилмаган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёлар, ветеринария дори воситалари, микроорганизмлар штамплари, озикалар ва озуқабоп қўшимчалар, акциз солинадиган товарлар, шу жумладан, спиртли ичимликлар, ҳашаротлар ва зараркунадларни захарлашда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва захарлар, диний мазмундаги материаллар, қонунчилик ҳужжатлари билан кўчма савдо объектлари орқали сотилиши тақиқланган товарларнинг кўчма савдоси тақиқланади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан ушбу кўчма савдо объекти бўйича тақдим этилган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда, юридик шахс тугатилганда, жисмоний шахс томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатидаги фаолияти тўхтатилганда, кўчма савдо субъекти томонидан кўчма савдо объектдан фойдаланган ҳолда, кўчма савдонини амалга оширишни бутунлай тўхтатганлиги тўғрисида ёзма ахборот киритилганда кўчма савдо объекти реестрдан чиқариб ташланади.

Улғбек ҚУРБОНОВ,
Сирдарё туманлараро
иқтисодий суди раиси

Халқаро маданий алоқалар

ИЧАН-ҚАЛЪАДА КОРЕЯ КИНОФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигига бу йил 30 йил тўлди. Ҳар икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда дўстона алоқа ҳамда ҳамкорликлар тобора мустаҳкамланмоқда.

Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан жорий йилнинг октябрь ойида Хива шаҳридаги Ичан-Қалъа тарихий мажмуаси ҳудудида Корея кинофестивалини ўтказиш бўйича таклиф ҳам Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан маъқулланди. 12 сентябрь куни Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчи – вакили Кук Чан Хён, дипломатик ваколатхона масъул ходими Д.Канара Хивага ташриф буюришди. Мехмонлар Хива “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси директори Шакир Мадаминов

билан бўлиб ўтган учрашув ва мулоқот жараёнида музей шаҳарда Корея кинофестивалини ўтказиш, бу муҳим маданий тадбирга тайёргарлик кўриш бўйича ўзаро ҳамкорлик режаларини белгилаб олишди.

Элчихона ходимлари учун музей-қўриқхона бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хоразм вилоят ҳокимлиги ва “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ҳамда Корея Республикаси элчихонаси ҳамкорлигида октябрь ойида бўлиб ўтадиган кинофестивал ҳеч



шубҳасиз, ўзбек ва корей халқларининг ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

О.ИСМОИЛОВ,
музей-қўриқхона матбуот котиби.

Бугунги кунда тараккий этаётган давлатлар инновациялар кучига таянмоқда. Уларда ёшларни болаликдан кашфиётлар қилишга жалб этиш, ижодий қобилиятини юксалтириш мақсадида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилади. Натижада мазкур жамиятларда инсонларнинг янги-янги ғоялар, илмий изланишларга интилиши кўзга яққол ташланмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳам инновацион ривожланиш сари муҳим қадамлар ташланди. Илғор хорижий тажриба, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар ғоясида иктисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантиришни таъминлашга алоҳида ургу берилди. Жумладан, ёшлар таълим-тарбиясига масъул бўлган ҳар бир профессор-ўқитувчи, айниқса, мураббийларимиз аввало, ўз талабаларини юртимиз ва дунёда рўй бераётган янгиликлардан, ижтимоий-сиёсий воқеалардан доимий хабардор қилиб бориши лозим. Бунда талаба-ёшларнинг кизиқиш ва интилишларини кучайтириш учун замонавий педагогик технологиялардан, инновацион ёндашувларга асосланган усуллардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бирга ёшларнинг кизиқишларини аниқлаган ҳолда уларнинг манфаатига мос келадиган усулларда ҳамда ҳаётий мисоллардан ўз ўрнида фойдаланиб ҳолда иш олиб борилиши, ёшларимизда дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади.

Тарбиявий жараёни моделлаштиришда ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини таълим муассасаларида педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш учун, уларнинг ташқи таъсир этувчи омилларга нисбатан таъсирчан муносабатда бўлишини унутмаслик керак. Педагог ва психолог олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, шахсга ташқи омилларнинг ўзаро (хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин) таъсири аввало ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Ўқувчиларнинг тарбиявий фаолиятини уюштираётганда ўқитувчи ёки тарбиячи ташқи таъсир этувчи омилларга нисбатан тарбияланувчининг муносабатини, кечинмаларини, қандай англашини, баҳолашини улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши зарур. Тарбия жараёнини моделлаштиришда ўқувчининг нафақат онги, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб боришга эришиш лозим, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келувчи хулқий малака ва одатлар ҳосил қилинади. Бунга эришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этиб борилади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қилади. У ўқувчиларнинг таълим муассасасидаги тарбиявий фаолиятини белгилайди, уларнинг ижтимоий жараёнга фаол кириб боришларини ўз хоҳиш истаклари билан тарбиявий фаолиятга фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратди.

Ижтимоий жараёнда фаол иштирок этиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Ушбу фаолиятни моделлаштиришда ўқитувчи ўқувчилар жамоасининг манфаати ва талаб истакларини эътиборга олиши зарур. Бола ўз хулқи, хатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни сезишга эришгач, ижрочи эмас, балки умумий ишнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Ушбу ҳолатлар тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қа-



ФИДОЙИЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

рама-қаршиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Жамиятда ахборот коммуникацион технологияларининг жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида ўқувчилар кўп вақтларини таълим ва тарбияга мутлақо алоқаси бўлмаган коммуникацион технологик маълумотларга сарфламоқдалар (мобил телефонлар, интернет, компьютер, ДВД фильмлар ва бошқалар). Ушбу воситалардан оқилона фойдаланишни ўқувчига ўргатиш, таъқиқланган техник воситалардан фойдаланишни ман этиш, уларни назорат қилиш ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги вазифаларига киради. Ўқувчиларнинг кўп вақтларини олаётган кераксиз техник маълумотларни бартараф этиш учун фақат моделлаштириш асосида иш олиб бориш мумкин. Ўқитувчининг тарбиявий ишлар режасида ушбу муаммолар юзасидан турли мавзудаги суҳбатлар уюштириш ўрин олиши лозим. Бу жиҳат унутилса, муайян қарма-қаршиликлар вужудга келади. Акс ҳолда хулқ меъёрлари, ахлоқ талабларини яхши тушунмай қолиши натижасида ўқувчи ижтимоий муносабатларда бекарор, тасодифий маълумотларга ва ташқи таъсирларга тез берилувчан бўлиб қолиши мумкин.

Тарбия жараёнида унинг мақсади, шакл ва методлари, шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари муҳим ўрин тутди. Ижтимоий тузум буюртмаси асосида белгиланган тарбиявий фаолиятни амалга оширишда маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади. Тарбияни самарали моделлаштириш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, ҳар бир ўқувчининг тарбия жараёнидаги фаолиятини яхши билиш керак.

Шахсни шакллантириш, бошқариш, назорат характериға эга бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки олдиндан моделлаштирилган ва пухта ўйланган режалар асосида белгиланиб ҳал этиб борилади. Тарбиявий жараёни моделлаштиришда ўқитувчи билимли, рақобатбардош етук кадрларни тарбиялаш учун жавобгар шахс эканлигини

унутмаслиги керак. Ушбу вазифалар тарбия технологиялари мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади.

Тарбия мазмунининг мукамал белгиланган қонуниятлари мавжуд бўлиб, у асрлар давомида ҳар бир даврнинг талабларига мос равишда такомиллаштирилиб келинган. Тарбия мазмунида тарбияланувчининг ёши ва ижтимоий келиб чиқишига қараб белгиланган тарбиявий мақсад ва вазифаларга мувофиқ улар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс

рини ҳамда айрим фанларни ўқитиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар (блоклар) тарзида ўқитиш кенг қўлланилмоқда. Давлат таълим стандартларининг таркибий бўлақларига мос келадиган блоклардан ҳам фойдаланилмоқда. Ўқув режа ва дастурларнинг таркибий бўлақларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлайдиган технологияга хизмат қилувчи модуллар ҳам мавжуд. Таълим усуллари, методлари ва воситалари учун қўлланиладиган модуллар ҳам яратилмоқда. Модуллар, биринчи навбатда, таълим мазмунига дахлдор тушунчалар, қоидалар, назариялар, қонунлар ва улар орасидаги умумий боғланишни ифодаловчи қонуниятларни тушунтиришга самарали хизмат қилади.

Аёлларда ташкилотчи — етакчи бўлиш алоҳида қобилиятдир. Мазкур фазилатсиз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш қийин. Гоҳо буни тадбиркор аёллар этарли англамайдилар, натижада барча вазифани ўз зиммаларига олиб ҳам асабий, ҳам жисмоний зўриқишга дучор бўладилар. Меҳнат жа-

моаси фаолиятини тўғри ташкил этиш, ўрта ва куйи поғоналарга зарур кадрларни қўйиш, улар меҳнатини кузатиб, баҳолаб, лозим бўлганида ўзгартиришлар киритиб бориш ташкилотчи-этакчининг вазифасидир. Бу ўринда пул, бойлик, даромад, яъни хусусий мулк эгаси бўлиш камлик қилади, бошқариш санъатидан хабардорлик, ходимларни ишлата олиш кўникмаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Этномаданий анъаналар ва ҳаёт тарзининг тадбиркорликка, аёлларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашига таъсир этишини яна бир бор қайд этишга тўғри келади. Қишлоқ жойларда иш жойлари топиш муаммо бўлиб қолаётгани сир эмас. Қишлоқ инфраструктурасининг этарли ривожланмагани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан фойдаланиш доираси торлиги сабабли хотин-қизлар асосан фермерларга ёлланишдан фойдаланадилар. Бу мавсумий ишдир. Шунинг учун ҳам фермерлик хўжаликлари субъектлари ичида аёллар атиги 5 фоизини ташкил этади.

Модулли ўқитиш — педагогик жараёни илмий ва методик жиҳатдан тартиби ва мақсадга мувофиқ бажаришга хизмат қилади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг таркибий бўлақлари ўзаро жойлашуви ва педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг олдиндан белгиланган тартиб — қоидалари алгоритм дейилади. Энг кичик бўлак педагогик технологиянинг ўзига хос қисми бўлиб, бундай кичик модуллардан бирламчи модуль ташкил топади. Модуллар тўплами ўқитиш жараёнини илмий ташкил этишга ва унинг сифат ҳамда самарасини таъминлаш учун қўлланилади. Модулларнинг ўзгарувчан ва модернизацияланадиган табиати туфайли улардан динамик равишда фойдаланилади. Модулли ўқитиш — тартибли ўқитиш демакдир. Бунда ўқув материали 1та ўқув машғулоти ҳажмида, ўқув предметининг бирор мавзуси ёки бирор бўлими даражасида, баъзан эса ўқув фанининг йирик таркибий қисмида, яъни блоклар тарзида ҳам модуллар ёрдамида ўқилиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бир неча турдош ўқув фанларининг таркибий бўлақлари хулоса сифатида айтиш жоизки, инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айланган. Зеро, шахснинг шаъни ва кадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги такрорланмайдиган бойликдир.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бир неча турдош ўқув фанларининг таркибий бўлақла-

ри хулоса сифатида айтиш жоизки, инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айланган. Зеро, шахснинг шаъни ва кадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги такрорланмайдиган бойликдир.

Қишлоқ жойларида аёлларнинг майда олди-сотди фаолияти билан шуғулланиши кўп учрайди. Бу, аслида, қишлоқ аёлларининг тадбиркорликка мойиллигидан дарак беради, агар улар ижтимоий-ҳуқуқий тартиблардан хабардор қилинса, ушбу фаолиятини расмий асосда олиб бориши мумкин. Бирок бундай хусусий тадбиркорлик ҳали ташкилотчилик, етакчилик фазилатларидан дарак бермайди. Ташкилотчилик, етакчилик кишиларни маълум бир мақсад атрофида уюштириш қобилиятини тақозо этади. Уларнинг бош хислати, белгиси кишилар билан ишлаш, уларни уюшқоқлик билан технологик жараёнларда қатнашишни, мазкур фаолияти учун масъуллигини таъминлашдир.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айланган. Зеро, шахснинг шаъни ва кадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги такрорланмайдиган бойликдир.

Гулрарам МАШАРИПОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори, фалсафа
фанлари доктори,
Фахриддин ЖОНИЕВ,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ватанимиз тарихида шундай шахслар бўлганки, уларнинг жасорати неча асрлар ўтса ҳамки, ҳамон тилларда дoston. Босқинчи ва истилочиларга қарши курашган, шу юрт, шу замин озодлиги учун эрк байроғини кўтарган Широқ, Спитамен, Тўмарис, малика Кабаж хотун, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур сингари буюк аждодларимизнинг пок рухлари мангу барҳаётдир.

Уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихида аждодларимизнинг кўрсатган шижоати бекиёсдир ва бугунги ёш авлод бундан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Ахамонийлар — 200, македонлар — 180, араб халифалиги — 200, мўғул истилоси — 150, чор Россияси ва совет давлати — 130 йил диёримизни ўз қўлларидан тутиб турди. Ҳисоблаб кўрилса, Ўзбекистон ўзининг салкам уч минг йиллик тарихида ўрта ҳисобда 800 йилини босқинчиларнинг мустанлака давлати ўларок ўтказганлигини билиш мумкин. Бу ғоятда дахшатли ва фожеали даврларда юз минглаб одамлар ўлдирилди ва жароҳатланди. Бойликлар таланди, шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Аммо ҳар қандай вазиятда Ватан ва миллат озодлиги учун курашадиган мард ўғлонлар топилди.

Мустақиллик учун курашлар тарихига назар ташлар эканмиз, чор Россиясининг ўлкамизга босқинчилигининг илк даврлари ва Хива хони Шерғозихоннинг босқинчиларни қандай қилиб енггани ҳақида фикр юритишни лозим топдик. XVI аср бошларига келиб Амир Темур асос солган марказлашган давлат Олтин Ўрда ҳукмдорларининг авлодлари ҳисобланган Шайбонийхон томонидан тор-мор этилгач ўлка уч қисмга (Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари) бўлиниб кетди. XIV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларига Олтин Ўрданинг парчаланиши ва рус князларининг бирлаштирилиши натижа-сида Россияда марказлашган давлат ташкил топди. Ушбу давлат тепасида Пётр I турарди. Пётр I замонида рус давлати фақат Европада эмас, ўзбек хонликлари кўз ўнгида ҳам қудратли ўлка сифатида гавдаланиб турарди. Шунинг учун ҳам хонликдаги айрим юқори табақа вакиллари тахт учун курашда ватанга хоинлик қилиб, рус давлатига таянишга уринганлар. Чунончи Хива хони Исҳоқ Шониёз 1700 йилда Дўстбек Баҳодирни Россияга юбориб, савдо-сотикни ривожлантириш таклифи билан бир қаторда хонликни рус давлати тобелигига олишни сўраган. Ўз навбатида ерларини шарққа томон кенгайишидан манфаатдор бўлган Пётр I бу таклифга жон деб рози бўлади. 1714 йилнинг 14 май санасида Пётр I Хива хонлигини босиб олиш ҳақида фармонни имзолайди. Ушбу фармонга мувофиқ ҳарбий экспедиция ташкил қилиниб, унга Бекович-Черкасский бошлиқ этиб тайинланади. Мазкур экспедициянинг асосий вазифаси Хива хонлигини бўйсундириш, Амударёнинг Каспий денгизига қўйиладиган жойида 1000 кишилик ҳарбий истехком куриш сингари вазифалар қўйилган эди. Бекович-Черкасский 3000 дан

қолган. Хоннинг сўрови шундан иборатки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бўлса, у вақтда ишонч ҳосил қилдирсин”. Бунга жавобан Бекович-Черкасский: “Мен рус императори Петр I номидан элчи сифатида келдим”, деган. У астраханлик татар Олтин

чодирга киритилди. У Петр I Олий ҳазратларининг ёрлиғини, ясангиланган от, мовут, 5 газдан газламалар, каллаканд, кумуш идишлардан иборат совғаларни хонга топширди. Улар чодирда икки соат суҳбатлашдилар ва овқатландилар. Ўз навбатида хон ҳам Бекович-Черкасскийга

Шерғозихон жасорати



ортиқ қўшин ва хизматчилар билан 1717 йил май охири ёки июнь бошларига Хива томон юради. У билан бирга Астрахан татарларининг савдо карвонлари ҳам йўлга отланади. Бу вақтларда жазирама иссиқ барча ўтларни қуритиб юборганлиги боис қўшинга тегишли от ва туяларни боқиш анча қийинлашган. Бекович-Черкасский ўзини босқинчилик юришини никобланиш мақсадида Янгисувга келганда, тинчлик ва дўстлик элчиси сифатида бораётганлигини маълум қилиш учун Шерғозихон хузурига Михаил Коретовни жўнатган. Шундан кейин қўшин йўлни давом эттириб Шершиққудуғи ва Қорақумобод ариғи орқали Оққўл ариғига келган. Кўп ўтмай Хива хони Шерғози номидан икки киши ва юқорида қайд қилинган Коретовнинг бир одами Бекович-Черкасский хузурига келган. Хива элчилари хон номидан от, туя ва моллардан иборат совғаларни Черкасскийга топширган.

Шерғозихон душманнинг ёвуз нијатини яхши билсада, сир бой бермай иш юритади. Бекович-Черкасский Хива элчиларига ўзини элчи сифатида келатганини такрорлади. Рус қўшини Оққўлдан чиқиб Қорағоч деган ариққа кўндилар. Бу ердан Хивагача тўрт кунлик йўл қолган эди. Бундан хабар топган Хива қўшинлари рус аскарларига ҳужум қилдилар. Воқеа гувоҳларининг сўзига кура, химоячилар пилтали оддий милтиқ, қилич, найза, ойболта ва бошқа оддий аслаҳалар билан қуролланган. Русларда эса тўп ва милтиқ каби қуроллар бор эди. Жанг уч кун давом этгандан кейин Хива хони Шерғозихон Эшонхўжа исмли элчисини юбориб, сулҳни таклиф этади. Элчи Черкасскийга шундай дейди: “Хиваликлар ўзбошимчалик билан рус аскарларига ҳужум қилган, хон эса билмай

Хусайнов деган кишисини Эшонхўжа билан бирга Шерғозихон хузурига юқоридаги гапларни етказиш учун юборади. Олтин Хусайновни Шерғози эмас, балки лашкарбоши Кулунбой қабул қилиб унга айтганки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бўлса, у вақтда хон хузурига ўзи ташриф буюрсин. Бунга жавобан Бекович-Черкасский хиваликлар узокрок жойга тисланса ва Шерғозихоннинг ўзи келса, чиқиши мумкинлигини билдирган. Шунингдек, у олдинги жангда руслардан олти киши ўлдирилганлигини айтиб, ишончсизлик билдирган. Бекович-Черкасский буйруғи билан икки кун давомида ватан химоячиларига қарши тўп ва милтиқлардан ўқ узилди. Шундан кейин хиваликлар бир чақирим орқага чекиндилар. Шу тахлит ватан химоячилари билан рус қўшинлари ўртасида икки маротаба қонли тўқнашув содир бўлди. Ўша давр тарихчиларининг кўрсатишича, айтилган жангдан кейин хивалик Эшонхўжа яна келиб оролликлар ва туркманлар хоннинг руҳсатисиз ўзларича ҳужум қилганликларини баён этган. У ҳеч нарсадан хавфсирамай хон олдига боришга даъват этган. Бекович-Черкасский бунга жавобан астраханлик татар Исмоил Мирза ва Худойқул Мирзани Шерғозихон хузурига юбориб, рус давлатининг элчиси эканлигини ва қорақалпоқлар ҳужумларидан сақланиш учун қўшин билан келганлигини билдирган. Маълум вақтдан кейин рус элчилари хоннинг лашкарбошиси Кулунбек ва Назархўжа исмли киши билан келган. Шундан кейин ҳар икки томон бир-бирларига ҳужум қилмасликка келишдилар.

Шерғозихон Эшонхўжани юбориб, Бекович-Черкасскийни ўз хузурига таклиф этади. Бунга розилик билдириб Черкасский, княз Михаил Замонов, бригада комиссари Григорий Волков, 700 аскар ва бошқа бир нечта кишилар билан хон хузурига йул олди. Қўшинга унинг орқасидан юриш буюрилди. Кейинги воқеа қай тарзда борганлигини жонли гувоҳ Олтин Хусайнов шундай таърифлайди: Бекович-Черкасский ва Михаил Замонов Шерғозихон ўрнашган

безатилган энг яхши отни ҳадя қилди. Шундан кейин Бекович-Черкасский унинг учун белгиланган чодирга келиб ўрнашди. Кўп ўтмай хон олган совғалар, хусусан, газламаларни чириганлиги учун Бекович-Черкасскийга қайтариб юборган. Бу ҳолат Бекович-Черкасскийни шу даражада хижолатга ва ҳаяжонга солганки, кўз ёшлари билан: “Нима учун шундай қилдинг?” — деб Михаил Замоновни қоралаган. Бунга Замонов: “Мабодо, орқага қайтишимизга тўғри келса, бир кунимизга яради, деб қилдим”, деб жавоб берган. Кейинги куни Шерғозихон ва Бекович-Черкасский биргалликда Хива томонга йўл олдилар. Кечкурун улар тўрт соат мобайнида суҳбатлашиб овқатландилар. Сўнгра йўл давом эттирилиб, Хива лашкарлари Черкасский орқасидан келатган рус аскарларини тўхташиб қолишади. Хивага икки кунлик йўл қолганда, Порсунгул деган дарёга келишдилар. Рус аскарлари бу ердан икки чақирим нарида тўхтадилар.

Эрталаб Шерғозихон Бекович-Черкасский хузурига тўрт ўзбекини юбориб, рус қўшинларини Хивада жойлаштириш ва таъминлаш имкони йўқлигини, уларни беш қисмга тақсимлаб, турли шаҳарларга ўрнаштиришни таклиф қилди. Шунингдек, Бекович-Черкасскийга ўз ёнидаги 700 кишини ҳам тарқатиб 200 одам билан келишни таклиф этди. Бу сўровлар қабул қилиниб беш қисмга ажратилган рус аскарлари хон амалдорларининг кузатувида беш тарафга олиб кетилди. Шундан кейин, — деб сўзини давом эттиради Олтин Хусайнов, — Шерғозихон буйруғи билан княз Михаил Замонов, астраханлик Кирыак Экономов, сўнг Бекович-Черкасский қатл қилинди.

Бу воқеа 1717 йил 29 августда содир бўлди. Шу тарзда Шерғозихоннинг ўта эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан юритган сиёсати бир неча баробар кўп кучга ва яроғ-аслаҳага эга уч минг кишилик рус қўшинларини мағлубиятга учратди. Бундан кўриниб турибдики, Шерғозихон ўз даврининг илғор фикрли, мард ва жасур кишиси бўлган. Унинг жасорати мустақиллик учун курашларга оид тарихимизнинг яна бир ёрқин намунаси.

Эшпўлат ЖУМАНОВ,

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли
Ўзбекгидрогеология давлат унитар корхонасининг
Мирзачўл гидрогеология станцияси бошлиғи

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-хунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Ёшлар камолоти ва жамиятда ўз ўрнини топишида долзарб масалалар муҳокама этилган йиғилишда соҳадаги ижобий тажрибалар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Масалан, 57 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилган. Мактабгача таълим тизимида бу ўз натижасини бермоқда: педагогика кол-

жментни ҳам қамраб олади. Мазкур таълим санъат ҳамда гуманитар фанлар каби йўналишларда қўлланилмайди. Дуал таълим дастури ўқув муассасаси томонидан корхона билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади. Ўқувчи-тала-

тирувчиларнинг бандлиги кафолатланиб, таълим сифатини оширишга эришилади ва таълим муассасаси рейтингини ошади.

Умуман, ўқитишнинг янги тизими ҳаётга самарали жорий этилиши профессионал таълимни янги босқичга олиб чиқиш, соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва ёшларда касбий кўникмаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-908
Адади: 2050.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.


ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6



лежи ўқувчилари 2 кун назарий билимлар олиб, қолган кунлари боғчаларда ишлаб, ойлик оломқда. Дуал таълим тизими ишлаб чиқариш тармоқларини юқори кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга ишчи кадрлар билан тўлдиришда ўзига хос ноёб механизмдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ўша йили июнда ушбу ҳужжатга қўшимчалар ҳам киритилиб, янада такомиллаштирилди.

“Дуал” сўзи “иккилик”, “икки томонлама”, “битта ташкилий яхли тлик” каби маъноларни англатади. Дуал таълим, бу — машғулотнинг амалий қисми иш жойида, назарий қисми эса таълим муассасасида олиб бориладиган таълим шакли ҳисобланади.

Дуал таълим ҳозирги вақтда, асосан, муҳандислик, иқтисодиёт ва ижтимоий таъминот каби соҳаларда қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, машинасозлик, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, кўчмас мулк, туризм менежменти ва ижтимоий мене-



баларнинг дуал тизими асосида ўқитилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун жавобгарликни таълим муассасаси ва корхоналар ўз зиммасига олади.

Дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчиларга тегишли иш берувчилар томонидан тўланадиган иш ҳақи даромад солиғи ҳамда ягона ижтимоий солиқ тўловларидан озод этилиб, ташкилотлардаги меҳнат фаолияти учун иш стажи ҳисобланади.

Дуал таълим шаклини жорий қилган энг яхши 100 та профессионал таълим муассасасига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили 50 миллион сўмдан маблағ ажратилади.

Профессионал таълимда дуал таълим шаклини амалда қўллаш орқали қатор ижобий натижаларга эришиш мумкин. Биринчидан, ҳақиқий ишлаб чиқаришга йўналтирилган профессионал таълим юзага келади, кадрларга бўлган эҳтиёжни башорат қилиш тизими яратилади.

Ўқитиш имкон қадар ишлаб чиқариш эҳтиёжларига яқинлашади. Би-

Ўзбекистон ва РФ давлатлари ўртасидаги “Таълим” тўғрисидаги шартноманинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва РФ қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлиги шартномаларига асосан 25 августдан 29 августга қадар РФ Кострома қишлоқ хўжалиги Академиясидаги қишлоқ хўжалиги вазирлиги асосида гранд бўйича ўқишга кирган 34 нафар битирувчиларимизни академия фаолияти билан таништириш ва уларни жойлаштириш муносабати билан хизмат сафарига бўлдим.

Кострома қишлоқ хўжалик академияси ректори, қишлоқ хўжалиги фанлар доктори, профессор Михаил Станиславич Волхоновталабаларнинг бориш харажатларининг 50 фоизини қоплаб беришни кафолатлади. Агрономия, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, зоотехника, ветеринария медицинаси, Агробизнес, Бошқарув иқтисоди йўналишларида гранд асосида ўқийдиган бўлишди. Биринчи семестрда ҳамма талабалар 600000 сўм атрофида стипендия олади. Семестр якунига кўра 200 долларгача стипендия тўланар экан. Ўқиш муддати 4 йил.

Умуман олганда, ўқитиш тизимида йўлга қўйилган бундай алоқалар ўқувчиларнинг янада пухта билим эгаллаб, малакали мутахассис кадрлар бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди.

Абдужаббор АРАНЖИЕВ,
Бўка агротехнологиялар техникуми директори.

1967 йилнинг 9 сентябр куни Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари меҳмонлар билан бирга Абдулла Қаҳҳор дастурхони атрофида йиғилишлари керак эди.

Аммо адибнинг бир кун олдин Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида сўзлаган нутқидан сўнг қуёш юзини қора булутлар қоплаган, кечагина Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган юксак унвону Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Абдулла Қаҳҳорга бўлган юксак ҳурмат ўрнини совуқ қарашлар эгаллаган, шу боис адиб таваллудининг олтмиш йиллиги муносабати билан ёзилган дастурхондан партия ва ҳукумат раҳбарлари ўзларини тортган, ҳатто меҳмонлар ҳам адиб қувончига қувонч қўшишдан бебаҳра қолган эдилар. Бунинг сабабини яхши билган Абдулла Қаҳҳор ҳеч кимга қўнғироқ қилмайди, ич-эттини еб қуйинмайди ҳам, индамай қўяқолади. Орадан бир ҳафта ўтиб, 17 сентябр куни адибни олтмиш ёши билан қутлагани дўсту биродарларию шогирдлари эрталабдан унинг шаҳардаги уйига кела бошлайдилар. Ўша куни Абдулла Қаҳҳор учун ҳақиқий байрам бўлди. Куй-қўшиқ, ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба, чин юракдан айтилган тилаклар адиб қўнглини тоғдек юксалтириб, беҳад мамнун этди. Бу унга куч, ғайрат ва илҳом бахш этиб, ҳуш кайфият билан яна ижодга ўтирди. Аммо уни ҳануз қанд хасталиги қийнар, бу унинг юрагига ҳам таъсир этмай қолмаган, шу сабаб вақти-вақти билан шифохонада даволанишига тўғри келарди. Бунинг устига газета-журналлару нашриётлар эшикларининг ёпиб қўйилганлиги унга ортиқча азоб эди. ...1968 йилнинг 26 май куни саҳарлаб Абдулла Қаҳҳор хонадонига йигирма-ўттиз одам тобут кўтариб киради. Москвадан келган маҳсул тобут. Еру-кўкни йиғи, фарёд тутуди, юраклар қон бўлади, кўзлардан сел келади. Тумонат одам йиғилади. Улар тўйга эмас, тантанага эмас, адиб билан видолашгани келган ёзувчилар, шоирлар, олимлар, санъаткорлар, маҳалладошлар, оға-инилару таниш-билишлар, Абдулла Қаҳҳорни асарлари орқали билган оддий китобхонлар эдилар. Кўп ўтмай уларнинг сафига адибнинг олтмиш йиллиги муносабати билан ёзилган дастурхондан юз ўғирган партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳам қўшилиб адибнинг рафикаси-Кибриёхонимга ҳамдардлик билдирдилар. Кейин... Кейин ҳаммаси адибнинг ўзи васият қилганидек бўлди. Тобутни сўнги манзилга қадар минг-минглаб одамлар кўтариб бордилар. Адибнинг номини эшитган борки, унинг тобутини кўтаришга шошилди.

Бир инсон қанча зуғум, қанча азоб кўриши керак бўлса, ҳаммасини кўр-



ган адиб олтмиш бир ёшга етар-етмас бу ёруғ дунёни тарк этди. Қанотидан айрилган Кибриёхоним хувиллаб қолган ҳовлида бошини қай деворга уришини билмай тамоман довдираб қолди. Абдулла Қаҳҳор уни ҳеч қачон ёлғиз қолдирмаган, қаерга борса бирга олиб борар, бунга ўрганиб қолган Кибриёхонимнинг ўзи ҳам Қ а ҳ ҳ о р - сиз туролмас-



ди. Мана энди дам-бадам эшик очиб адибнинг ижодхонасига мўралар, машина овози эшитилса чопқиллаб чиқиб дарвоза очар, назарида адиб қайси бир эшикдан чиқиб келаётганга ўхшарди. Бу ҳол ундан сира-сира узоқлашмас, ўқиш-ёзишга қўймас, кунни унга-бунга уннаб ўтказса-да, тунда хонама-хона юриб, адиб билан хаёлан гаплашар, нималарнидир сўрар, баъзан узоқ ўйланиб, ўтирган жойида кўзлари уйқуга илиниб қоларди. Ёнида жияни бўлса-да, Кибриёхоним бу безовталикдан анчагача қутулолмади. Яхшиямки борди-келди қиладиган дўстлари, адибнинг шогирдлари бор экан. Бири бўлмаса, бири хабар олиб турди. Қўнғироқ қилиб хол-аҳвол сўрашди. Бу Кибриёхонимга далда берибгина қолмай тўхтаб қолган ижодий ишини давом эттиришга ҳам даъват этарди.

Ана шундай кунларнинг бирида кулоқлари остида адибнинг “Ўзингизни бўлар-бўлмас ишларга урин-

тириб, асабингизни бузманг. Умр бир лаҳзалик. Тезроқ мен айтган ишларга киришинг!” деган сўзлари эшитилди. Шундан сўнг Кибриёхо-

тирган бўлса?!

Дарвоқе, бундан ўттиз беш йил муқаддам адибнинг рафикаси Кибриёхоним не-не тўсиқларни енгиб, не-не жанжаллар ичида қоврилиб, туну-кун идорама-идора юриб, ҳовлисининг этагидан ўзига яраша турар жой қуриб, адиб билан яшаган икки қаватли уйини музейга айлантирган эди. Ўттиз беш йилдирки, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи бебаҳо хазина сифатида адабиёт учун, маънавият ва маърифат учун, илм-фан учун хизмат қилиб келмоқда. Бу қутлуғ даргоҳга ҳар куни узоқ-яқиндан неча ўнлаб одамлар қадам ранжида қилиб, буюк адибнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиб, бой таассуротлар билан қайтишмоқда. Дарвоза олдидаги ям-яшил арчалар ичида ўрнатилган адиб бюсти тирик Абдулла Қаҳҳорга айланиб, меҳмонларга “Хуш келибсизлар, қани, ичкарига марҳамат!”, деяётганга ўхшайди. Қаранг, яхшидан от қолур деганларича бор-да. Кибриёхонимнинг узоқни кўзлаб, ақл-заковат билан иш тутиши адабий-маданий ҳаётимизда катта аҳамият касб этадиган бир музейнинг яратилишига сабаб бўлди. Адиб вафотидан сўнг йигирма саккиз йил унинг чироғини ёқиб турган бу жасоратли аёл 1987 йилга келиб Абдулла Қаҳҳорнинг беш жилдлик танланган асарларини нашр этишга муваффақ бўлди. Кейинроқ “Уруш ва тинчлик”нинг тўртинчи китоби ҳам ёруғ юзини кўрди. Кибриёхонимдан кейин ҳам бу муборак гўшадан келди-кетди узилгани йўқ. Ҳаммаси у ҳаётлик давридагидек давом этмоқда. Буларнинг бари Кибриё Қаҳҳорованинг Абдулла Қаҳҳорга ва ўзбек адабиётига бўлган буюк муҳаббати ва буюк садокатидан далолат эмасми?..

Ўн еттинчи сентябр устоз Абдулла Қаҳҳор таваллуд топган кун. Ҳаёт бўлганида 115 ёшли чиройли, нуруний отахон бўлиб, давранинг тўрида юзу-кўзларидан нур ёғилиб ўтирган бўларди. Унинг ўзи бўлмаса-да, ҳовлиси меҳмонлар билан тўлади. Ижод аҳли вакиллари, олимлар, санъаткорлар, адиб мухлислари маросимга ўзгача бир файз, ўзгача бир завқу-шавқ бахш этиб, Абдулла Қаҳҳор ва Кибриёхоним руҳларини шод этадилар. Уч ой муқаддам — 25 май куни адибни хотирлашга йиғилган мана шу эллик-олтмиш одам 17 сентябр куни ҳам бировнинг таклифи билан эмас, ўз ихтиёрлари билан келадилар. Бу уларга одат бўлиб қолган.

Халқимизнинг ана шундай ажойиб анъаналарига ҳеч қачон кўз тегмасин, мангу бор бўлсин! Зотан, яхшиларнинг чироқлари ҳеч қачон ўчмайди! Инчунин, устоз Абдулла Қаҳҳор ёқиб кетган маърифий қандиллар шуълалари узоқ-узоқларгача таралиб, нафақат бугун ва эртага, балки келажакда ҳам минг-минглаб одамларни илму-зиёга, буюк бунёдкорлик ишларига камарбаста бўлишга чорлаб тураверади.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент молия институтининг адабий маслаҳатчиси,
журналист.